

# “ҲАЁТ ДАРАХТИ”

*(экологик тозда драма)*

## **Иштирокчилар:**

- 1. Болтавой** – 50 ёшларда
- 2. Анвар** – *(Болатойнинг ўғли)* 27 ёшларда.
- 3. Малика** – *(Болтавойнинг хотини)* 50 ёш.
- 4. Хуршид** – *(уста)* 40 ёшларда
- 5. Шерали** – *(қўшни)* 55 ёшларда.
- 6. Рустам** – 35 ёш.
- 7. Доктор** - 40 ёш.

## 1- сахна.

**Сахнанинг икки томонида икки уй дарвозалари бир бирига қараб қурилган. Икки уйнинг ўртасида катта дарахт гуркураб турибди. (Дарахтни тепадан пардадай қилиб туширса мақсадга мувофиқ бўларди) икки севишган кўл ушлашиб, дарахтнинг унинг ёнига келишади.**

**Алишер:** Кун ҳам исиб кетди. Кел яхшиси шу дарахтнинг соясида бироз ўтирамин.

**Дилнавоз:** Бошқа жойга борсак бўларди-да. Қишлоқнинг ўртаси бўлса, бирор ким кўриб қолса нима деган одам бўламан.

**Алишер:** Сен бошқа қишлоқдан бўлсанг. Мен бошқа қишлоқдан бўлсам. Ким ҳам танирди бизни? Қани битта... *(Кўзини юмиб қизга юзини тутади)*

**Дилнавоз:** Эй жиннимисиз нима қиляпсиз. Шундай қилсангиз кетаман?

**Алишер:** Нимага уяласан ҳеч ким бўлмаса ёки мени севмайсанми?

**Дилнавоз:** Гап севишда эмас. Шунчаки мен сизга ишонмайман.

**Алишер:** Нима ишонмайсан! Хоҳлайсанми ишонишинг учун мана шу дарахтга “А+Д=Лове” деб ёзаман. Мана шу дарахт севгимиздан эсдалик бўлади.

**Дилнавоз:** Кўйинг овора бўлманг. Кейин севгини дарахтга эмас юракка ёзиш керак.

**Алишер ёнидан кичкина тахланадиган пичоқни олиб, дарахтга ўйиб ёзмокчи бўлади. Ўша пайт ўнг тарафдаги дарвозадан Шерали чиқиб уларга қараб бақиради.**

**Шерали:** Сен Шомирзо гарангни боласи сира одам бўлмадинг-да. Нима дарахтга ўйиб ёзиш сизларни етти пуштилариингга теккан касалми. Қара сал тепароғини изласанг отанг билан онангни ҳам плюс минуси топасан.

**Қиз уни кўриб уялганидан дарахтнинг ортга беркинади.**

**Алишер:** Эй, сиз кимсиз мени қаердан танийсиз. Нега отамни ҳақорат қиляпсиз?

**Шерали:** Отангни ёшлигини ўзи бўлиб турибсан-ку. Ундан кейин гарангни гаранг дейди-да ёки нима том битган қулоғи очилиб кетганми?

**Алишер:** Ёшингизни ҳурмат қилиб индамай турганимга ҳадингиздан ошманг.

**Шерали:** Ҳей бола, кўп гапирма. Ўзингдан катталар гапирганда жим тур. Ҳей Тошмурод тажангни қизи сенам кўп беркинмай чиқавер таниб бўлдим.

**Қиз дарахт ортидан чиқиб келади.**

**Дилнавоз:** Амаки, илтимос бизни бу ерда кўрганингизни ҳеч кимга айтманг. Акаларим билса мени ўлдиради.

**Шерали:** Манови бола уйланса айтмайман. Биринчи марта кечираман. Лекин яна бир марта дарахтга азоб бериб ўйиб ёзганларингни кўрсам ўша кўлингдаги пичоқ билан қулоғингни кесиб оламан. Кейин сенам отангга ўхшаб гаранг бўласан қоласан. Қани энди тез жўналаринг.

**Алишер:** Оддий битта дарахт экан-у. Бунча ваҳима қилдингиз.

**Шерали:** Ҳалиям шу ердамисизлар.

**Дилнавоз ва Алишер тез юриб кетишади. Шерали дарахтни бориб силаб.**

**Шерали:** Силар севишган бўлсанглар бечора дарахтда нима айб. Сен хафа бўлма дарахт улар ҳали ёшда билмайди.

**Чап томондаги дарвозадан Болтавой чиқиб келади.**

**Болтавой:** тушликни қоқ ўртасида нима бунча бақир чақир қиласан.

**Шерали:** Сени ишинг нима? Сени уйингга кириб бақирганим йўқ-ку.

**Болтавой:** Яна тентакка ўхшаб дарахт билан гаплашяпсанми?

**Шерали:** Болтавой, шошма ўзи сени олдинга чиқаётган эдим.

**Болтавой:** Нима гап?

**Шерали:** Мени ҳовлимга сув келмай қолди. Нима бўлди экан мабодо хабаринг йўқми? Ёки катта ариқни яна кўшни кўча буриб кетдимикан?

**Болтавой:** Ё кўшни кўчада айб йўқ. Шунчаки мен сени уйингга кетадиган ариқни кўмиб ташладим.

**Шерали:** Жиннимисан нега кўмасан? Ҳовлимга сув келмаса бу ёзни чилласидан баҳорда эккан кўчатларим қандай ўтиб олади. Ҳазиллашма.

**Болтавой:** Мен сенга мактабдаям ҳазил қилмаганман. Уй иссиқ ташқарида ётибман. Кечаси билан ариқдан сув шилдираб оқяпти. Биринчидан шилдираган овози ухлашга халақит беряпти, иккинчидан сув сувни чақиради дейди-ку хуллас у ёққа кўп қатнаяпман. Шунга ариқни ёпиб ташладим.

**Шерали:** Исиб кетсанг ариқни олдига келиб ётмай бошқа жойда ёт. Ҳовлинг катта-ку.

**Болтавой:** Ҳовли катта бўлгани билан ярими молхона-ку.

**Шерали:** Сениям улардан фарқинг йўқ. Қўшилиб ётиб кетавер. *(қулади)*

**Болтавой:** Хуллас, уй. Меники ариқ меники. Истасам ёпаман истамасам йўқ.

**Шерали:** Ариқ сеники бўлгани билан сув ҳамманики. Атайлаб ариқни беркитма. Ҳовлимдаги кўчатлар сувсизликдан қурийд.

**Болтавой:** Бировнинг ҳовлисидан ўтган ариққа ишониб дарахт экмада.

**Шерали:** Сен бошидан менга ҳасад қиласан. Биламан нега бундай қилганингни сен атайлаб қилгансан. Шу ўтган йили боғимдан яхши фойда олганим бери мени кўролмай юргандинг. Охири бу йўлга ўтибсан-да, номард.

**Болтавой:** Сендан пулим кўп бўлса сени нимангга ҳасад қиламан. Аксинча сен машина олганимга ўзингга келолмай юрибсан.

**Шерали:** Ўша кредитга олинган мошинанггами. Кулгимни қистатма.

**Ичкаридан Болтавойнинг хотини чиқиб эрини қўлидан ушлаб уйга тортади.**

**Малика:** Дадаси, қўйинг шу сувни деб қўшнимиз билан жанжал қилманг. Очиб юборинг ўша арикни.

**Болтавой:** Очаман-а очиб бопман. Керак бўлса кўчани бошидан арик ковлаб келсин.

**Шерали:** Худога солдим сени. Шошмай тур ҳали дарахтларимни уволи уради.

**Шерали уйига кириб кетади.**

**Малика:** Ҳай, ҳай қўшни қарғаманг.

**Болтавой:** Индама қарғайверсин. Бари бир қарғиши ўтмайди. Буни тилини билиб майкамни чап томонини кийиб олганман.

**Иккаласи уйларига кириб кетади. Саҳна чироқлари қоронғилашади.**

## 2- сахна.

**Тун. Саҳнанинг чап томонидаги ҳовли. Болтавой ва хотини сўрида чой ичиб ўтирибди.**

**Болтавой:** Бу дейман шу йили куз эрта келадиёв. Шамолни қара.

**Малика:** Эсингиздами ўтган йили ёзда ёмғир ёққан эди.

**Болтавой:** У ёмғирни унутиб бўладими. Полизда гуркураб турган ҳамма помидорни қуртлатиб кетганди.

**Ўша пайт унинг олдига ўғли келади.**

**Анвар:** Дада, шунча катта дарвозахонамиз бўла туриб нега машина кўчада турибди. Тинчликми?

**Болтавой:** Ҳа тинчлик анави, ҳасадгўй Шерали бир ҳасаддан куйиб ўлсин деб атайлаб кўчага чиқариб қўйдим. Бир ачишсин.

**Анвар:** Сизларни тушунмайман-да. Шу Шерали ака билан 40 йиллик қўшнисизлар. Бир қараса қариндошдан аҳилсизлар. Яна бир қараса Ҳабиб билан Конордай бир бирон-бирларингизга “везов” ташлаб юрасизлар.

**Болтавой:** Ҳаммасига уни ўзи сабабчи. Нима эмиш ҳовлингдан ўтган арикни ковлаб қўй. Менинг уйимга сув ўтмаяпти эмиш. Бунга индамасанг уйга ҳам хўжайинчилик қилади.

**Анвар:** Сизларга бир нарса деб бўлмайди. Майли ярашиб оласизлар.

**Анвар кўча томонга қараб юради.**

**Болтавой:** Қаёққа отландинг?

**Анвар:** Ҳеч қаерга. Кўчада дарахтни тагида турмайди-ку. Мошинани киргизиб кўяман.

**Болтавой:** Мошинага тегинма. Жойида туради. Ухлашдан олдин ўзим киргизиб кўяман.

**Анвар:** Ўзингиз биласиз. Унда мен ётдим.

**Анвар ортга ўгирилиб юрганда, Кўчада машинанинг сигнализацияси ишлаб кетади. болтавой сапчиб ўрнидан туради.**

**Малика:** Дадаси, нима бўлди? Тинчликми?

**Болтавой:** Нима бўларди. Айтганимдай бўлди. Шерали бу сафар ҳасадига чидолмадиёв. Айтиб қўяйқўяй агар мошинага бир нима қилган бўлса мендан қутулмайди.

**Болтавой дарвозадан югуриб чиқиб кетади. Саҳнанинг ярими қоронғи.**

**Анвар:** Айтгандим-а дадамга мошинани киргизайлик деб.

**Анвар отасига эргашади. Ташқаридан Болтавойнинг додлаган овози эшитилади. Болтавой уйга ҳовлиқиб кириб келади.**

**Болтавой:** Болта қани. Болтани бер ўлдираман уни.

**Малика:** Дадаси, қўйинг шаштингиздан тушинг.

**Болтавой:** Йўқ. Уни ўз қўлларим билан чошиб ташламасам кўнглим жойига тушмайди.

**Болтавой саҳнадан чиқиб кетади. Дарвозадан ўғли кириб келади.**

**Малика:** Дадаси, ним гап тинчликми? Ўзингизни босинг. Анвар даданга қара тағин қўшнини бирор нарса қилиб қўймасин.

**Анвар:** Қўшнида нима айб.

**Малика:** Унда нима бўлди?

**Анвар:** Шамолда дарахтни шохи синиб машинани капотини устига тушибди. Шунга дарахтни чошиб ташлайман деб болтага кириб кетди. Айтгандим-а дадамга шу машинани уйга киргизиб қўя деб. Ҳали пулини тўлаб бўлмади туриб пачақ бўлса-я.

**Болтавой саҳна ортидан болтани кўтариб чиқиб келади.**

**Болтавой:** Бу дарахт ҳали Болтавойни болтасини билмас экан.

**Малика:** Бор қараб турмасдан отангни ортидан югур. Қоронғида бирор нарсани бошлаб ўтирмасин яна.

**Болтавой дарвозадан чидади. Чироқлар ёришади. Ҳовлининг бир бурчагидан мошинанинг орқа томони кўришиб турибди. Унинг устига дарахтнинг бир шохи тушган. Болтавой чиқиб машина устидан дарахт шохини олиб ташлайди. Дарахтга Дарахтга қараб болтани ургани кўрсатилади. Чироқлар ўчади.**

### 3- саҳна.

**Чироқлар ёришади. Кун. Болтавой уйда болтасини синган дастасини алмаштирмоқда. Дарвозадан Шерали кириб келади.**

**Шерали:** Мумкинми?

**Болтавой:** Сен етмай турувдинг ўзи кел. Нима гап?

- Шерали:** Бир кўзим тушгандай бўлганди. Кечаси ота бола болта кўтариб шувиллашиб қолдинглар. Шунга тинчмикансан деб хабар олгани келдим.
- Болтавой:** Нима қиласан ўзингни меҳрибон қилиб кўрсатиб. Ундан кўра “разведка” қилиб кетгани келдим деб очиб айтиб кўявер.
- Шерали:** Ўзинг мақсадга кўчдинг менам очигини айтай. Балки сен ишонмассан аммо уйимиз олдидаги бу дарахт бир неча юз йиллик. У оддий дарахт эмас. Унинг бошқача хислати бор. Машинангга нима бўлганини кўрдим. Балким шу сенга сабоқ бўлар.
- Болтавой:** Дарахт ҳақидаги эртақларингни бориб набираларингга айт. Бу шунчаки тасодиф.
- Шерали:** Бу тасодиф эмас кеча ёш кўчатларга қилган муомаланг учун кекса дарахт сени жазолади. Дарахтларнинг уволи урсин дегандим уволидан олдин ўзи урибди-да. Хислатли дарахт деб бекорга айтишмаган.
- Болтавой:** Унингни битта хислати борлигига ишонаман. У ҳам бўлса қишда ўтин қилиб печкага солиб ёққанимда ўзидан иссиқ чиқаради.
- Шерали:** Бундай дема ўзи эшитса хафа бўлади.
- Болтавой:** Сен ҳақиқатда жинни бўлиб қолибсан-ку. Сени гапингни эшитиб ўтирган мен аҳмоқ ўзи. Эшитса эшитар. Мана қара. (*Дарахт турган томонга қараб бақиради*) Сени шу йилдан қолдирмай бари бир ўтин қилиб ёқаман... а нимадир дедингми? Кўрдингми у ҳеч нарса демади. Чунки дарахтлар эшитмайди ва гапиришмайди. Кеча болтамни дастаси синиб қолди-да бўлмаса аллақачон ўтин қилиб бўлган бўлардим.
- Шерали:** Шу дастаси синган болтангчалик калланг йўғ-а, Болтавой. Ҳатто ўша болтани дарахтга раҳми келиб синиб кетибди. Сени раҳминг келмадими. Болтавой ўйлаб қолдим. Балким айб сенда эмас исмингдадир. Болтавой бўлганинг учун нимани кўрсанг чопишга қизиқаётган бўлсанг-чи. Кел бир исмингни ўзгартириб кўрамиз. Балким яхши бўлиб кетарсан.
- Болтавой:** Шерали ўзинг кетасанми, ёки анави калиш айтайми сени кузатиб кўйсинми?
- Шерали:** Кўрдингми ҳамма ўзига тенг нарса билан гаплашади-да. Мен дарахт билан сен калиш билан.
- Болтавой:** Эй, йўқолай.
- Шерали** кетади Болтавой унинг ортидан калишини отади. Кўчада ўйнаб юрган набираси унинг оёқ кийимини қайтариб олиб келиб беради.
- Болтавой:** Раҳмат, болам.
- Болакай** уйга кириб кетади. Унинг олдига хотини чиқиб келади.

- Малика:** Бобоси, кеча олган нафақангизни яримини берсангиз.
- Болтавой:** Пул йўқ. Борини мошинани таъмирлашга сарфладим.
- Малика:** Қўйинг зикналик қилманг. Набирангиз Камронжон яқинда мактабга чиқади. Шунга бобоси пул берса, келин билан бозорга бориб набирангизни бир ясантириб келсак дегандим.
- Болтавой:** Нима, Камрон дарров мактаб ёшига етиб қолдими? Шунча катта бола бўлиб қолдими?
- Малика:** Ҳа, нимасини айтасиз ўтган куни дадасини худди шундай кийинтириб мактабга олиб чиққан эдик. Умр дегани шундай бир пастда ўтиб кетар экан-а.
- Болтавой:** Шуни айт. Дарров шунча йил ўтиб кетибди-я. Майли энди мени бироз ишларим бор. Шуларни қилай. (**Ўрнидан тура бошлайди**)
- Малика:** Ҳой дадаси, ёмон айёр одамсиз-а. Пул сўрагандан бирдан йўқолиб қоласиз. Набирангиз учун сўраяпман-ку пул бериб кетинг.
- Болтавой:** Сен ҳам нафақа олгансан ўшандан бер.
- Малика:** Биласиз-ку мени пулим рўзғордан ортмайди.
- Болтавой:** Уф бўлди, бўлди. Аввал отасини боққандим энди боласини боқяпман. Қачон ўзим учун яшайман ҳайронман. Ма ол. (**Болтавой чўнтагидан икки юз минг чиқариб беради.**) Ортганига ўзингга бирор нарса оларсан.
- Малика:** Бу гапни бошқа гапирманг, дадаси. Ўғлингиз эшитса хафа бўлади-я.
- Болтавой:** Нима, ростда. Бу арзанда ўғлинг ўқийман деди. Ўқитдим. Севаман деди. Уйлантирдим. Энди ишга кир, ишла десам уни буни баҳона қиляпти.
- Малика:** Ҳали ҳаммаси олдинда, дадаси. Мана кўрасиз зўр жойга ишга киради. Ҳали Анваржонимни ҳам ишлари юришиб кетсин, сизга ҳаммасини қайтаради.
- Болтавой:** Болани кўп талтайтириб бўлмайди. Мактаб борадиган болаларга Президент совғаси берилади. Бўпти, энди мени ишим бор.
- Малика:** Ҳой чол, ҳеч бўлмаса уч юз- тўрт юз бериб кетинг.
- Болтавой:** Нима, сен атайин қиласанми а. Бугун кечга чоллар билан чойхонам бор. Сенга пул берсам у ерга қандай бораман?
- Малика:** Шу ерга бир бормасангиз, бормабсиз. Набирангизга сўрадим-а.
- Болтавой:** Бўлди, бошимни кўп қотирма.
- Ўша пайт очик турган дарвозадан ичкарига Анвар кириб келиб ота- онаси билан саломлашади. Кайфияти яхши. Расмий кийинган. Ўша пайти кўчадаги дарахтни Хуршид келиб айланиб кўриб, чўнтагидан метрни олиб ўлчаб, ушлаб кўра бошлайди.**

- Малика:** Ваалайкум, Анваржон, болам. Кайфиятинг чоқ кўринади. Нима гап. Тинчликми?
- Анвар:** Ҳа, ҳаммаси зўр ойи. Табрикласанглар бўлади.
- Болтавой:** Худди бир ишни дўндириб қўйган одамдек ваҳима қиляпсан. Нима гап, тинчликми ўзи?
- Анвар:** Дада, ишга хужжат топширган эдим биласиз-а?
- Болтавой:** Қайсини айтяпсан?
- Анвар:** Ўтган ҳафта. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотига хужжат топширган эдим. Эсладингизми?
- Болтавой:** Ҳа, ҳа бўлди, эсладим. Хўш нима бўлди? Ишга кирдингми қачондан бошланар экан? Ойлиги қандай.
- Анвар:** Йўқ ҳали ишгача бироз бор. Ҳозир ўша ердан келяпман. Хужжатларимни ўрганиб чиқишибди. Маъкул келган шекилли қабул қилишибди. Яқин кунларда суҳбатга чақиришар экан. Шундан ўтсам кейин иш беришар экан.
- Болтавой:** Вой бу, ҳали суҳбатдан ўтсангми? Мен бу ваҳимангни кўриб бирор жойга раҳбар бўлиб келибдими дебман.
- Малика:** Бўладиям дадаси. Насиб қилса мени ўғлим ўз соҳасининг энг катта одами бўлади. Майли сенам чарчаб келган кўринадан уйга кириб уст бошингни алмаштириб чиқ. Унгача мен овқат сузиб қўяман.
- Анвар уйга кириб кетади.**
- Малика:** Дадаси, сиз ҳа деб ўғлимиздан нолийверманг. Ўзи келинимиз шўрлик оламдан ўтгандан сўнг икки йил деганда энди иш-пишинг чалғияпти. Майли ишга кирса кирар кирмаса ҳам омон бўлсин. Мен набирамизни олиб чиқаман унгача пулни тайёрлаб қўйинг.
- Болтавой:** Ростини айтдим-да шу ёшдаги болани ҳам эркалайдими.
- Малика уйдан набирасини чақириб уйга кириб кетади. Болтавой болтасига янги сонни қўйиб дарвозадан чиқиб кетади. Ташқарида дарахт олдида айланиб юрган Хуршидни кўради.**
- Болтвой:** Ҳа, отам эй отам нима бўлаяпти?
- Хуршид:** Ия, Ассалому- алайкум яхшимисиз, отам.
- Болтавой:** Ваалайкум- ассалом. Яхши раҳмат. Бироз танимайроқ турибман.
- Хуршид:** Менинг исмим Хуршид. Қўшни туманда мебель уста бўлиб ишлайман. Катта устахонам бор.
- Болтавой:** Хўш хўш.
- Хуршид:** Бу дарахт сизникими?
- Болтавой:** Менинг уйимни олдида турибдими демак меникида.
- Хуршид:** Шу десангиз, сизга бир таклифим бор.
- Болтавой:** Хўп, эшитаман.

**Хуршид:** Мана шу уйингиз олдида турган дарахтни мен кесиб кетсам.

**Болтавой:** Қизик гап бўлди-ку, нега?

**Хуршид:** Юқорида айтганимдек, мен ёғоч устаман. Қўлимдан кўплаб шогирдлар ва мебеллар чиққан. Уйингиз олдидан тасодифан ўтиб қолдим. Шу дарахтга кўзим тушди-ю, мен излаб юрган ёғочлиги бирдан пайқадим.

**Болтавой:** Яхши-ку. Аммо бу дарахтни шунчаки кўчадан ўтган одамга бирдан кесиб бериб юбора олмайман. Бу дарахтни мени отамни отамни отаси эккан. Бу бизга қанчалик қадрли эканини билмайсан-да. *(болтасини орқасига яширади)*

**Хуршид:** Кекса дарахт сиз учун қадрли эканлигини биламан. Аммо дарахтингизни шунчаки олиб кетмайман. Сотиб оламан.

**Болтавой:** Бу бошқа гап. Лекин айтиб қўяй дарахт ҳечқанча туради. Текинга ҳам бериб юбораман. Лекин ундаги хотиралар бебаҳо.

**Хуршид:** Дарахтнинг қарилиги ва катталигини ҳисобга олсак сизга уч тўрт таклиф қилишим мумкин. *(бармоғи билан рақамларни кўрсатади)*

**Болтавой:** Уч юз мингми? Мебелни нархини билмасак ҳам ўтинни нархини биламиз. Сомсачиларга ўтинга берсам ҳам бундан кўп беради-ку.

**Хуршид:** **(кулиб)** Миллион, отахон. Миллион.

**Болтавой:** Яхши боя айтганимдек мен сизни танимайман. Аммо пулни танийман. Беш миллион берсангиз дарахт сизники.

**Қўлини тутаяди.**

**Хуршид:** Майли, ёшингизни ҳурмати бор. Келишдик.

**Иккаласи қўл ташлашади.**

**Хуршид:** Унда ишни бирдан пишиқ қилганимиз яхши. Мана бу сизга аванс. Қолганини шогирдларим билан дарахтни уриб кетгани келганимда ҳисоб қиламиз.

**Болтавойга бир миллион беради. Болтавой пулни олиб.**

**Болтавой:** Яхши, келишдик. Қолганини қачон олиб келасиз шунда.

**Хуршид:** Бугун эртага вақт топиб шогирдлар билан келаман. Майли соғ бўлинг, отахон.

**Хуршид дарахт ортига ўтиб саҳнадан чиқиб кетади. Болтавой хурсанд бўлиб уйга кириб кетади. Малика унинг олдида чиқади.**

**Болтавой:** Ма, мана бу пулни ол-да набирангни кийинтириб кел. Қолганини рўзғорга ишлат.

**Малика:** Бирам меҳрибонсиз, бобоси. Бунча пулни қаердан олдингиз?

**Болтавой:** Узумини егин-у, боғини суриштирма дейишган.

**Малика:** Энди билгим келганди-да.

**Болтавой:** Кўчадаги дарахтни сотдим.

**Малика:** Қайси?

**Болтавой:** Қайси бўларди уйимизни олдидаги қари дарахтни-да.

**Малика:** Қизиқмисиз, дадаси, қандай сотасиз ахир у бизники эмас-ку.

**Болтавой:** Мени уйимни олдида турган дарахт бўлса меники бўлмай унда кимники? Қизиқ гапирасан-а. Шу пулни бергандан кейин жим бўлиб ишлатиб кетаверса-да.

**Малика:** Йўқ. Пул учун раҳмат лекин, дадаси, у дарахт бизники эмас-да. Раҳматли онангиз айтардилар бу дарахт улар шу ҳовлига кўчиб келганда ҳам бўлган экан. “Роса қари кўп нарсани кўрган хосиятли дарахт” дер эдилар. Ўғлингизни курсдошлари ҳам келганда роса айланиб келиб бир неча юз йиллик қадимий дарахт деб кетишганди. Шунини сотгани қандай кўзингиз қияди, дадаси.

**Болтавой:** Бунча гапни қаердан олади-я аёллар. Гапларинг анави Шералига ўхшаб қолибди. Бу бехосиятни деб мошина пачақ бўлди. Нимаси хосиятли экан.

**Малика:** Айб ўзингизда. Нима қилар эдингиз дарахтни тагига машинани қўйиб.

**Болтавой:** Мен айб кимда деб сўрадимми? Ундан кейин нима ўша ўғлингизни курсдошлари келиб набирангга кийим учун пул бериб кетяптими, ёки бир қоп ун кўтариб келмаяптими. У бир оддий дарахт. Унақа бидъат гапларга қўшилма. Нима ағдармасанг дунёга устун бўлармиди. Мени уйимни олдида турибдими демак меники тамом-вассалом.

**Малика:** Кимга сотдингиз. Нега сотдингиз?

**Болтавой:** Ўтинга сотганим йўқ. Қўрқма дурадгор болаларга сотдим. Ҳали бу пул хамир учидан патир. Қолганини ағдариб кетгани келишганда бериб кетишади.

**Малика:** Бекор қилибсиз-да, дадаси.

**Болтавой:** Тавба, сизларга одам пул топса ҳам ёмон, топмаса ҳам. Бердим раҳмат деб ишлатиб кетавер. Йўқ бу уйда мендан бошқа ҳамма ақлли. Лекин ҳеч қайси шу ақлини пул топишга ишлатмайди. Ўзи шу бермай чойхонага ишлатиб юборсам бўлар экан.

**Болтавой жаҳл қилиб дўнғиллаб хонасига кириб кетади. Саҳна чироқлари қоронғилашади.**

#### 4- саҳна.

**Чироқлар ёришади. Бақир-чақир ва моторли арра овози эшитилади. Дарахт олдида Хуршид ва Шерали жанжаллашмоқда.**

**Шерали:** Бу дарахтни ағдаришга ҳақкинг йўқ.

**Хуршид:** Нега йўқ бўлар экан мен буни сотиб олдим.

**Шерали:** Кимдан сотиб олдинг?

**Ичкаридан Болтавой чиқиб келади.**

**Болтавой:** Эрталабдан нима бақир чақир яна.

**Хуршид Болтавойни кўрсатиб**

**Хуршид:** Мана, мана шу отахондан сотиб олдим. Айтинг, ўзингиз.

**Шерали:** Болтавой, шу гаплар ростми?

**Болтавой:** Ҳа, сотдим. Сенга нима?

**Шерали:** Сени бу дарахтни сотишга нима ҳаққинг бор. Ё экиб қўйганмидинг?

**Болтавой:** Бунча ваҳима қиласан сен эканмисан. Сен эмас мен сотиб юборганимга аламинг келяптими. Тўғри, бу меники эмас. Лекин ҳечкимни-ки ҳам эмас. Менинг уйимни олдида бўлгани учун унга эгалик қилиш ҳуқуқи менда бўлади.

**Шерали:** Нима сени уйингни олдида бўлса сеники бўлиб кетаверадими? Бўлмаса сим ёғочларни ҳам сот.

**Болтавой:** Симёғоч бошқа масала. Лекин бу меники эканлигини ҳозир исботлаб бераман. Ҳинд океани бор тўғрими? У Ҳиндистоннинг олдида тургани учун шундай номланган. Шундай экан бу дарахт ҳам мени уйим олдида ўсгани учун меники “Болтавой дарахти”. Мен экмаган бўлсам отам отам бўлмаса бобом эккан. Хуллас бизники.

**Хуршид яна арраламоқчи бўлиб аррасини ёқади. Шерали дарахтнинг олдига ўтади.**

**Шерали:** Бу дарахт қишлоғимизнинг, кўчамизнинг рамзи-ку. Ундан кейин бу дарахт сенинг уйинг олдида ўсмаган. Балким уйинг унинг ёнида қурилган. Хуллас уни кесишга ҳам, сотишга ҳам ҳеч кимни ҳаққи йўқ. Уни кесмоқчи бўлсанг аввал мени босиб ўтишингга тўғри келади.

**Болтавой:** Дарахт сени мошинанг устига тушмаганда. Бемалол гапирасан.

**Хуршид аррасини ўчириб.**

**Хуршид:** Отахон, бу яна нима томоша. Ахир ўзингиз ҳеч қандай муаммо бўлмайди деган эдингиз-ку. Пулини олдингизми энди қўйиб берингда. Бўлмаса пулимни қайтаринг менга муаммо керак эмас.

**Болтавой:** Йўқ, бу дарахт меники олиб кетаверинг. Булар билан ишингиз бўлмасин. Шунчаки ўзлари пулдан қуруқ қолаётганига алам қиляпти, холос.

**Хуршид Шералига бир қарайди-да.**

**Хуршид:** Менга бунақа муаммонинг кераги йўқ. Отахон дарахтингиз ўзингизга буюрсин. Мен пулимни олиб кетгани кечга келаман тайёрлаб қўйинг.

**Хуршид машинасига миниб кетади.**

**Болтавой:** Шерали, нега мени ишимга бурнингизни суқасан-а. Уйингда жимгина ўтирсанг бўлмайдим. Ёки нима сенга ҳам пул берайми? Биламан, бу

иккимизни ҳовлимизни ўртасидаги дарахт. Агар пулдан умидвор бўлсангиз айт.

**Шерали:** Болтавой, ақлдан озибсан. Катта матта одамнинг қилиб ўтирган ишини қара. Болаларга, набираларингга дарахтларни шохини синдирма, қайирма деб гапиришнинг ўрнига арзимас бир пулга шундай кўп йиллик дарахтни умрига зомин бўлаяпсан.

**Болтавой:** Мен ҳам ахлоқ эмасман. Беш миллион арзимас пул эмас. Кейин тагига бир икки мартта сув қуйганимни эслайман. Ҳаққим бор.

**Шерали:** Ўзингни тагингга сув қуйиб юборайми шу гапинга. Бу дарахт сени миннатли сувинга мухтож эмас. Уни томири сувга етган. Бу ишинг табиатга хуш келмайди.

**Болтавой:** Эй, нималар дейсан-а. Хосиятли дарахт, табиат онамиз бунақа чупчакларни бас қилиб балким реал ҳат билан яшарсан.

**Шерали:** Ҳаётдан гапирсам унда эшит. Ўспирин пайитларинг шаҳарга дайдиб кетиб қолганигда қари отангни мана шу дарахтнинг шохларидан йўниб олиб ҳасса ясаб сени ўрнингга манашу ҳассага суянганди.

**Болтавой:** Эй, эски гапни кавлама.

**Шерали:** Яхши унда янги гапдан эшит. Нима ўзинг болларингни шу дарат шохларига беланчак ясаб бериб бериб учирганинг ҳам ёдингда йўқми? Қандай қилиб болларингни энагасини ўлдирмоқчисан. Қолверса ўзинг қарисанг сенгав ҳам ғасса бўлади.

**Болтавой:** Менга жуда ҳасса керак бўлса сотиб оламан. Бир шунинг учун катта дарахтни овора қилиш шарт эмас.

**Шерали:** Сатқай ода кетай.

**Шерали уйига кириб кетади.**

**Болтавой:** Табиат онамиз битта дарахтини ағдарсам хафа бўлмайди. Онлар болларини кечиради. (ўзига ўзи) Тавба, одамларга ҳам ҳайронсан. Худди бир мен одам ўлдирмоқчи бўлаётгандек олдига тушишади-я. Энди кечга пулини олиб кетгани келса нима дейман.

**Болтавой уйга кириб кетади. Чироқлар қоронғулашади.**

## 5- сахна.

**Кун. Болтавойнинг уйи. Дарвозани Рустам тақиллатади. Ичкаридан Болтавой чиқади.**

**Рустам:** Ассалому- алайкум. Болтавой ака сиз бўласизми?

**Болтавой:** Во алайкум ассалом. Келинг, ҳа мен бўламан. Ўзингиз ким бўласиз?

**Рустам:** Мен Рустам Очилов бўламан. Ушбу туманнинг Экология ва атроф муҳитни химоя қилиш бўйича инспектори бўламан.

**Болтавой:** Хўп эшитаман, келинг. Биздан нима хизмат?

- Рустам:** Болтавой ака, табиатни жумладан дарахтларни ноқонуний равишда йўқ қилишга уринаётганингиз устидан шикоят тушган.
- Болтавой:** Ха, Шерали. Ахири айтибди-да.
- Рустам:** Лаббай.
- Болтавой:** Шундай ўзим. Ким нима дебди? Очиғи хабарим йўқ.
- Рустам:** Мурожаатчининг номи муҳим эмас. Муҳими сизнинг уйингиз олдида қад ростлаб турган ушбу дарахт. Бир неча юз йиллик. Аниқроғи 150 йиллик деб тахмин қилинаётган ушбу **Далберния** дарахти бизнинг рўйхатимизга камёб топилма, камайиб кетаётган тур сифатида киритилган ва албатта ҳимоямизга олинган.
- Болтавой:** Шошманг, билишимча сиз буни ағдаришга ҳаққингиз йўқ демоқчимисиз?
- Рустам:** Албатта, давлат назоратига олинган ҳар бир мулкка дахл қилиш ёки зарар етказишга уриниш ҳам қонун олдида жавобгарликка тортилади.
- Болтавой:** Бу дарахт бутун умр шундай тураверадими шунда.
- Рустам:** Йўқ, қуриса ёки табиий йўл билан хасталаниб шохлари синиб атроф-муҳитга ёки одамларга зарар етказса чорасини кўрамиз. Ҳозирча эса бу ҳолат кузатилмаган, шунинг учун у ҳимоямизда.
- Болтавой:** Менга қаранг, исмингизни ким дедингиз?
- Рустам:** Рустам.
- Болтавой:** Ҳа Рустам. Нега бир нарсани қилиб одамлар фойдаланаман деса дарров унга эгалар кўпайиб қолади. Ўтган куни кўшним ҳовлисини орқа томонидаги ўн тупча теракни ағдариб уйига ишлатди. Нега унга ҳеч ким ҳеч нарса демади?
- Рустам:** Ундан ҳам хабаримиз бор. Ўша кўшнингиз қурилиш моллари учун етиштирган терагини ўз мақсадида фойдаланган. Бундан ташқари эса яна ўша кесган теракларини жойига 100 туп янги кўчат ҳам эккан.
- Болтавой:** Бўлди, унда мен ҳам ўз мақсадим йўлида фойдаланаман. Менга ақл ўргатманг. Сизга ёш бола эмасман.
- Унинг қаттиқ овозини эшитиб ичкаридан Анвар чиқади.**
- Анвар:** Дада, тинчликми? (**Рустамни кўриб**) Ассалому- алайкум.
- Рустам:** Мен сизни огоҳлантириб қўйдим, фуқаро. Бу ҳам менинг вазифамга киради. Агар шу дарахтга зарар етса қонун олдида жавоб беришингизни унутманг. Соғ бўлинг.
- Рустам кетади.**
- Болтавой:** Товба, ҳамма ақлли. Бир нима қиламан десанг хўжайин кўпаяди. Шунини айтишсалар керак-да камбағални туяни устида ҳам ит қопади деб.
- Анвар:** Дада, бу одам ким экан нима деб келибди?

**Болтавой:** Муҳим эмас дарвозани ёпиб қўй.

**Анвар дарвозани ёпаиб уйга кириб кетади. Болтавой сўрига ўтириб ўзига ўзи гапиради.**

**Болтавой:** Демак дарахт қуриса уни ағдариб олиш мумкин бўлади. Яхши.

**Телефонини олиб қўнғироқ қилади.**

**Болтавой:** Алло, салом қандайсан, Умар. Ишларинг яхшими бу мен синфдошинг Болтавой бўламан. Менга қара Умар, ёрдаминг керак. Сен боғбонсан бу нарсани яхши биласан менга дарахтни қуритадиган дори керак. Қаердан топсам бўлади?

**Овоз:** Бунақа дори йўғ-у, аммо ёввойи ўсимликларни қуритадиган дори бор. Нима қиласан ўзи?

**Болтавой:** Керак бўлиб қолди-да. Менга ўша доридан бериб тура оласанми?

**Овоз:** Қанча керак?

**Болтавой:** Қанча кўп бўлса шунча яхши. Бир ёрдам қил ,дўстим. Раҳмат.

**Телефонни ўчириб.**

**Болтавой:** Ана, энди кўрамиз қандай тўхтатиб қолишар экан.

**Чироқлар қоронғулашади.**

## 2-ПАРДА.

### 6- сахна.

**Чироқлар ёришади. Тун. Болтавой ўша катта дарахтнинг тагини ҳеч кимга билдирмай секингина ковлаб бир нимани кўма бошлайди. Дарахтнинг шохларига ҳам бир нималар сепиб қўяди. Ўша пайт Шерали ховлисида чиқиб келади. Болтавой уни кўриб кетмонинни дарахт ортига яширади.**

**Шерали:** Нима қиляпсан?

**Болтавой:** Нима сен дарахтни кечаясиям кўриқлаб чичасанми? Бошқа ишинг йўқми?

**Шерали:** Йўқ сенинг олдинга бир иш билан чиқаётгандим.

**Болтавой:** Хўп. Агар яна менга насиҳат қилмоқчи бўлсанг гаплашмай қўя қолайлик.

**Шерали:** Топдинг дарахт ҳақида аммо сен билан гап талашгани келганим йўқ. Неча йилдан буён қўшнимиз. Мактабга ҳам бирга борганмиз. Ҳатто қариндошдек бўлиб кетганмиз. Болтавой, мендан ҳам айб ўтибди. Дарахтни ўйлабману одамларни унутибман.

**Болтавой:** Очироқ гапир тушунмаяпман.

**Шерали:** Хуллас, эшитдим. Кредитга машина олиб бироз пулдан қийналиб қолибсан. Шунга мана шу пулни ол-да, ўша дарахтни менга сот.

**Бир рўмолчага ўралган пул беради.**

**Болтавой:** Ҳа, гап бу ёқда дегин. Ундай бўлса энди мени эшит. Мен бировларнинг садақасига зор эмасман. Қолаверса менда лавз деган нарса бор уни ҳеч қанча пулга ҳам қайтиб олмайман.

**Пулни олмайди.**

**Шерали:** Болтавой тушунсанг-чи. Бу хосиятли дарахт. Уни қулатиб ташласанг уволи ёмон бўлади.

**Болтавой:** Бу гапларни кўп эшитдим. Ана дарахт ҳам ўз жойида турибди. Ким ҳақлигини вақт кўрсатади. Агар мени ишим тўғри бўлса дарахт ўзи ағдариб ол деб ишора беради. Агар сизларни гапларнинг тўғри бўлса худо бунга йўл бермайди.

**Болтавой ўрнидан туриб дарвозасидан кириб кетади. Чироқлар қўронғулашади.**

### 7- сахна.

**Моторли арра овози эшитилиб қушларнинг учган овози ва дарахтнинг шохлари қарсиллаб синиб қулаган овози эшитилади. Чироқлар секин ёришади. Ўша таниш манзара фақат дарахтнинг ўрнига кунда қолган. Хуршиднинг ишчилари шохларни олиб сахнадан чиқиб кетишади. Хуршид улаарга қараб**

**Хуршид:** Мана, бўлди. Ҳаммасини юклаб бўлдик. Аммо лавзли одамлигингизга беш кетдим, ота.

**Болтавой:** Майли сизларни ҳам ишларингизни ривожини берсин.

**Хуршид болаларига қараб бақиради.**

**Хуршид:** Ҳайданглар машинани кетдик.

**Хуршид сахнадан чиқиб кетади. Юк машинасининг юрган овози эшитилади.**

**Болтавой уйига кириб кетади. Ичкарига кирса уйдан хотини ва ўғли чиқиб келади.**

**Анвар:** Дада, қалай ярашибдими? (костум шим ва галистук тақиб олган)

**Болтавой:** Ҳа бўлади. Қаёққа кетаяпсан?

**Анвар:** Янги ишга чухбатга.

**Болтавой:** Шунда ишга кириб келасанми?

**Анвар:** Йўқ бир ҳафтада жавоби чиқар экан.

**Малика:** Дадаси, ўғлингизни бир дуо қилиб қўйинг энди. *(Малика ва Анвар қўлларини дуога очади)*

**Болтавой:** Тез бориб кел. Қайтаётганда молларга йим олиш эсингдан чиқмасин. Ҳа қопини тагини эринмай кўриб ол ўтган сафваргидек тагидан майдаси чиқмасин. Буқани тилини “уриб” яра қилиб ташлабди. Сигирга торининг майдасидан ол кунжара ошқозонига

зўрлик қилибди. Дамлаб қолди. Шошмасдан яхшилаб қараб ол чундингми?

**Анвар:** (қўли ҳали ҳам луога очиқ турибди) Дада, қаерга, қайси ишга, қандай кийимда кетаётганим билан қизиқмайсиз. Лекин ўша молларингизни нима йиётганига кўпроқ ўйланасиз. Баъзида сизни эътиборингизни қозониш учун ўша моллардан бири бўлгим келиб кетади.

**Анвар жахил қилиб дарвозадан чиқиб кетади.**

**Болтавой:** Менга хахил қилдимми? Ҳой бола отани норози қилма ишинг ўхшамайди. Ҳали қайтиб кел. Нима мен нотўри гапирдимми?

**Маликак:** Ишларингни олдани берсин болам суҳбатлардан яхши ўтиб юзинг дўсти душман олдида ёруқ бўлсин.

**Малика ўғлининг ортидан қараб қолиб дуо қилиб уйга кириб кетади. Ичкарига Шерали кириб келади.**

**Болтавой:** Эя, Шерали кел кел кўринмайсан.

**Шерали:** Аблах мени даволанишга кетганимдан фойдаланибсанда, номард.

**Болтавой:** Нима деяпсан ўзингни бос.

**Шерали:** Дарахт қани?

**Болтавой:** Дарахт хосиятли бўлса қуриган дарахтнинг тик туриши бехосият бўлади дейишади. Шунинг учун топшириб юбордим.

**Шерали:** Қандай ҳаддинг сиғди. Шундай улкан дарахтни кунда қилиб қўйишга.

**Болтавой:** Аксинча сен раҳмат десанг бўларди бу тўнкани устига ўтириб олиб маза қилиб ўтган кетгани кузатиб ўтирасан.

**Шерали:** Шундай дарахтни йўқ қилган аслида сен тўнкасак. Ҳали уволи уради. Қаттиқ пушаймон бўласан.

**Болтавой:** Аёллардай қарғашни бас қил. Уйимдан йўқол.

**Болтавой Шералини қўлидан судраб ҳовлисида чиқариб юборади.**

## 8- сахна.

**Тун. Болтавойнинг уйи. Болтавой ва Малика дастурхон атрофида овқатланиб ўтирибди.**

**Малика:** Дадаси, шу ишни бекор қилдингизда. Набирангиз, ҳатто ўғлингиз ҳам ўша дарахтда арғамчи учиб ўйнаб катта бўлганди. Худди хаёлимда остонамиз ҳувиллаб, кимдир камайиб қолгандек бўлаяпти.

**Болтавой:** Бас қилсангчи, бунақа гапларни нима яна бошляпсанми? Арғамчи керак бўлса ана уйда бекорчи темир кўп ясатиб бераман.

- Малика:** Бари бир усиз уйимиз олди хувиллаб қоладиган бўлди-да. Кўзим ўрганиб қолган экан.
- Болтавой:** Мени нима айбим бор кўрдинг-ку. Қари дарахт ўзи вақт- соати етиб қуриб қолди. Томирини қурт кемириб ташлаган экан. Ана текшириш келса кўрсатаман деб томирига тушган қуртларни расмга олиб қўйганман. Нима ёки сен менга ишонмайсанми?
- Уларнинг ёнига Анвар кириб келади. Кайфияти тушган.**
- Малика:** Анваржон, ўғлим хўш нима бўлди. Ишга олишдимми?
- Анвар жим.**
- Малика:** Гапирсангчи, нима бўлди?
- Анвар жим.**
- Болтавой:** Нима бўларди, бу лапашанг ўғлингни шу лалайиб юришида ким ишга оларди. Нима бўлганини сўраб нима қиласан. Ҳаммаси туришидан маълум-ку. Ҳозир ишга кириш учун диплом эмас, таниш керак.
- Малика:** Ваҳима қилмангчи ўзидан эшитайлик. Нима бўлди, ўғлим.
- Болтавой:** Хўш гапирчи, нега ишга олишмади?
- Анвар:** (жаҳл билан) Сизни деб, дада. Сизни деб ишга олишмади.
- Болтавой:** Нима мени?
- Анвар:** Ҳа сизни. Сизни қилган ишларингизни деб мени суҳбатдан ўтказишмади. У ерда менга бор йўғи битта савол беришди. Биласизми нима?
- Болтавой:** Хўш?
- Анвар:** Сиз табиат ва экология ҳимоячиси бўла туриб ўз отангизни бир дарахтни қулатишдан тўхтатиб қола олмадингиз-у, бошқага нима қилардингиз дейишди. Айтгандим-а, дада сизга ўша дарахтга тегманг деб.
- Малика:** Дадаси, у авлиё дарахт унга тегиниш хосиятсиз деганимда койиб берган эдингиз. Буёғи нима бўлди.
- Болтавой:** Ҳа, мен ўша сенлар айтаётган кўп йиллик дарахтни кесдим, сотдим. Нима учун, мана шу рўзгорни ками тўлиши, набирамнинг бошқалардан кам бўлиб қолмаслиги учун қилдим. Нима, мен у дарахтни сотиб ўзим маишат қилиб юборибманми. Яна менга ақл бўласанлар.
- Анвар:** Лекин, дада, мени ишимчи?
- Болтавой:** Уларга сени суҳбатдан йиқитиш учун бошдан баҳона керак бўлган. Шунинг учун атайлаб суҳбат кунини чўзишган. Сен бўлса онаси, гап деб ҳамма нарсани гапираверма. Авлиё дарахт эмиш. Дарахтни авлиёси бўлмайди. Одамлар авлиё бўлади.

**Малика:** Энди эскидан қолган гап бор-да. Эски дарахтни кесишмайди, хосиятсиз бўлади дейишади.

**Малка косаларни олиб уйга кириб кетади.**

**Болтавой:** Эй, бас қил шунақа гапларни. Ҳеч нарса қилмайди. Оддий бир дарахт-ку.

**Уйдан Маликанинг овоз келади.**

**Овоз:** Камронжон...

**Анвар:** Нима бўлди, ойи?

**Ҳаммалари югуриб чиқиб кетади.**

## 9- Саҳна.

**Тун. Саҳна чироқлари ўчиб бир бурчагидан ёруқлик тушиб шифохонани эслатувчи қилиб жиҳозланган. Малика ва Болтавой, Анвар гаплашишмоқда.**

**Малика:** (кўзида ёш) Дадаси, сизга ўша дарахтни кесманг, кесманг деб минг марта айтдим-а.

**Болтавой:** Набирангни тоби қочганини бу дарахтга умуман алоқаси йўқ. Бу шунчаки тасодиф.

**Малика:** Унда ўғлингизни ишдан суҳбатдан ўта олмай келганичи қани бу ҳам тасодиф денг-чи?

**Болтавой:** Бас қил, ҳозир тортишишнинг мавриди эмас.

**Ичкаридан доктор чиқади.**

**Болтавой:** Доктор, набирамнинг аҳволи қандай?

**Доктор:** Йигитчанинг аҳволи ҳозир анча яхши. Энди менга нима бўлганини айтиб берингизларчи?

**Малика:** Уйда ўйнаб юриб бирдан хушидан кетиб қолибди.

**Доктор:** Аввал ҳам шундай бўлиб турармиди?

**Малика:** Йўқ ҳеч қачон бундай бўлмаган. Биринчи марта. Набирам Камронжонга нима қилибди доктор, айтинг?

**Доктор:** Текшириб кўрдик. Йигитчанинг аҳволи ҳозир анча яхши. Унда ўпкасида туғма нафас етишмовчилиги яна оддий қилиб айтганда астма касаллиги бор экан.

**Болтавой:** Бўлиши мумкин эмас. У биринчи марта бу ҳолатга тушаяпти.

**Доктор:** Мен ҳам шунга ҳайронман. Одатда бу касаллик организмда яширин кечмайди. Қандай қилиб шу ёшгача асорати кўринмаган бўлиши мумкин?

**Малика:** Энди нима қилсак бўлади. Қандай даволатсак бўлади?

**Доктор:** Биринчи йўли доимо дорилар ва бизнинг кўрик назоратимизда бўлиб туради. Иккинчи йўли юртимизнинг тоғли ҳудудларида жуда кам учрайдиган кўп йиллик **Далберния** дарахти бор ўша

жойларга бориб яшаса ушлаб чиқарган кислород беморнинг саломатлигига яхши таъсир кўрсатади.

**Болтавой:** Тушунмадим, дарахтнинг нима алоқаси бор.

**Доктор:** Жуда алоқаси борда. Бундай дарахтлар мўжизанинг ўзгинаси. Табиий дорихона десак ҳам бўлади. У ўзидан чиқарган фойдали кислородлар бошқа дарахтларга қараганда атроф муҳитни кўпроқ зарарли бактериялардан ва чанглардан хавони тозалайди ва набирангиздаги касаллакни қелтириб чиқарувчи бактерияларни яқинига йўлатмай туради. Шунинг учун шундай дарахтзорли оромгоҳларни беморларимизга тавсия қиламиз.

**Болтавой хотинига қараб**

**Болтавой:** Нахотки, бу ўша дарахт бўлса. Қачонга жавоб берасизлар?

**Доктор:** Ҳозирча назоратимизда бўлиб тургани макул.

**Болтавой:** Юрагингдан нима ўтаётганини биламан. Лекин болам мен ҳам шундай бўлсин деб қилганим йўқ. Мен ҳам набирамни сендан кам яхши кўрмайман.

**Анвар:** Энди бу муҳум эмас, дада. Шунча қаршилиқ қилишимизга қарамай бари бир билганингиздан қолмадингиз-а.

**Болтавой:** Ким ҳам бундай бўлишини ўйлабди дейсан. Бўлган иш бўлди. Муҳими энди нима қилишни ўйлаш керак. Мен танишларимдан суриштириб кўраман.

**Болтавой ўрнидан туриб эшикдан чиқиб кета бошлайди.**

**Анвар:** Қаёққа, дада?

**Болтавой:** Хатолар тузатишга.

**Болтавой чиқиб кетади.**

10- сахна.

**Кун. Чироқлар ёришади. Санҳа марказида Болтавой набираси билан кўчат экмोकда. Ортида Алишер ва Дилнавоз, Шерали ва Рустам, Малика ва Анвар, Хуршид ва шогирдлари хаммалари сахнанинг ҳар четларига кўчат экишмокда. Фонда Президентимизнинг сўзлари янграмокда.**

**Овоз:** “Яшил макон” лойиҳаси доирасидаги дарахтларни ҳаётимиз учун, ўпкамизнинг тозалиги учун экиш зарур, чунки бу ўзимизга, жамиятимизга ҳа биримизнинг саломатлигимизга керакдир. Шунинг учун Дарахтларни номига эмас, ҳаётимиз, эртанги кунимиз учун экишимиз зарурдир”

## ПАРДА ТУШАДИ

**Изоҳ:** Далбергия - Африка, Осиё ва Жанубий Америкада учрайдиган ёғочли ўсимликларнинг бир тури. Ундан ясалган ёғоч дейилади **қизил гулзор**. Ушбу ёғочдан энг қиммат паркет ва мебел ишлаб чиқарилади. Кўпинча кабиналарни, лайнерларни ва вагонларни безаш учун ишлатилади. Айнан атиргул дарахтидан ксилофон калитлари ёки мусиқа асбобларининг бошқа қисмлари ясалади. Қимматбаҳо ёғочдан шахмат, ошхона анжомлари ва қамиш ясалади. Ушбу ёғочнинг 1 кубометри 10 минг доллардан ошади. Инсон соғлиғига фойдаси ўзидан жавога жуда кўп фойдали моддалар ишлаб чиқаради.